



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 15 апрель, № 74 (6509)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ РАЎБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош котиби ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қўллар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг ўн беш

йиллик фаолияти давомида нуфузли ва самарали халқаро ташкилот сифатида мустахкам қарор топганини,

унинг фаолияти тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустахкамлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг изчил

ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш соҳасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг ташкилотга жорий раислиги даврида аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан ШХТ доирасида, авваломбор, ҳозирги кундаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустахкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтадиган навбатдаги юбилей йиғилиши ҳар томонлама мазмунли ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган, ШХТнинг муҳим ва самарали институти бўлган Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилиши ташкилот органлари ва механизмлари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ташкилот ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни мустахкамлаш бўйича томонлар фаолиятини мувофиқлаштириб

боришда муҳим вазифани бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ҳудудида терроризм, экстремизм ва сепаратизм кўринишлари, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам алоҳида ўрни тутаётганини таъкидлади.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг Тошкентда ўтказилган ўн биринчи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр билдирди, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги жараёнида кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга ошираётган ишлар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ў.А.

Сарвар ҲУСНОВ олган сурат.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Қозоғистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрелда бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Ў.А.

ЭЪТИРОФ



Яқинда Япониянинг Кагосима префектурасида “Японияда сайёҳликни фаоллаштириш” XI Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Япония сайёҳлик компаниялари ассоциацияси (ANTA), Япония миллий сайёҳлик ташкилоти (JNTO) ва Кагосима префектураси маъмурияти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда дунёнинг қатор мамлакатларидан келган 500 дан зиёд сайёҳлик компаниялари, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам ўз хизматларини тақдим қилди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Японияда намоён этилди

Иштирокчиларда, айниқса, юртимизнинг миллий экспозицияси катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар эътиборига сайёҳлик соҳасига оид қўлланмалар, ҳужжатли фильмлар, миллий либослар ҳамда халқ амалий санъати буюмлари, шунингдек, Ўзбекистон маданияти, тарихи ва меъморий обиддалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган рисоалар ҳавола этилди.

Форумга ташриф буюрганлар Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ҳамда Термиз сингари кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарлар тасвирланган фотоальбомлар билан ҳам танишдилар.

Япония Либерал-демократик партияси Бош кенгаши раиси, Япония сайёҳлик компаниялари ассоциацияси президенти Тосихиро Никай мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдиротида сўзлаган нутқда таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг мазкур форумдаги иштироки давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти бўйича дунёда етакчи ўринлардан биринчида туради, — деди у. — Сўнгги йилларда республикада кўплаб замонавий меҳмонхоналар барпо этилиб, транспорт-коммуникация инфратузилмаси янада такомиллаштирилди. Бу эса соҳанинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Японияда Ўзбекистонга, унинг

«Жаҳон» АА.
Токио

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Маълумки, маҳалла халқимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланган, замонлар синовидан ўтган, энг ноёб, энг адолатли бошқарув идораси сифатида ўзини ҳар томонлама намоён қилган. Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан жамоа бўлиб яшаш орқали ўзининг миллий қадриятларини, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиб келган.

сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳақиқий мактаб вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Энг асосийси, аҳолининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига

Ошқоралик, муқобиллик ва тенглик

фуқаролар йиғинлари сайловининг асосий тамойилларидир

Истиқлол йилларида эса бевосита Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтининг ваколатлари кенгайтирилди, нуфузи ошди, муҳими, ислохотлар жараёнидаги иштироки тобора салмоқ касб этмоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатига кирувчи 30 дан зиёд вазифа муваффақиятли бажариб келинаётгани ана шундан далолатдир.

Жорий йил май — июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда мавқеини янада мустахкамлашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир бўлгани боис унга республика-миз бўйлаб кенг қўламли тайёргарлик қўрилмоқда. Сайловнинг ошқоралик, муқобиллик ва тенглик асосида

ўтиши учун катта ҳажмдаги ишлар қилинмоқда. Амалиётдан маълумки, маҳалла фаолияти самардорлигини таъминлашда, энг аввало, замонавий фикрлайдиган, узокни кўзлай оладиган, ўзининг аниқ мақсадли келгуси фаолият дастурига эга раислар ҳамда уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш муҳим ҳисобланади. Утган даврда фуқаролар йиғинларига ўтказилган сайловлар аҳолининг ҳуқуқий билимини ва

бўлган ишончи ортиди, маҳаллада яшовчи ҳар бир инсоннинг юртимизда, жумладан, ўз ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда янги-ланишларга дахлдорлик ҳисси янада кучайди.

Бу борада, шубҳасиз, соҳанинг изчил такомиллаштириб борилаётган қонунчилик асоси мустахкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2016 йил 13-14 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси — Хавфсизлик кенгаши котиби Н. Ермекабаев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси Го Шэнкун, Қирғизистон Республикаси Мудофаа кенгаши котиби Т. Жумақодиров, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Н. Патрушев, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши

котиби А. Қаҳҳоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Маҳмудов, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Р. Алимов ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия кўмитаси директори Е. Сисоев иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Қадриятларга ҳурмат, она Ватанга садоқат

Бухорода мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бошланди.



Навқирон авлод вакиллари истиқлол йилларида барча жаҳада амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ўғил-қизларни турли таҳдидлардан асраш, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш каби

олижаноб мақсадларга қаратилган анжуман 18 та лойиҳани қамраб олган. “Одам савдоси — давр муаммоси”, “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти”, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!”, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!”, “Сиз севган қаҳрамонлар” каби лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Фестиваль доирасидаги дастлабки тадбирлардан бири вилоятнинг чекка туманларидан саналган Пешқуда ташкил этилди. Афсона тиббиёт коллежида “Бу менинг Ватаним!” лойиҳаси бўйича Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Тумандаги 1-умумтаълим мактабда “Қамолот” кутубхонаси номи остида чоп этилган ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари зукко йигит-қизларга совға қилинди. “Нуронийлар

эъзозимизда” лойиҳасига мувофиқ, кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

— Ёшларимизнинг юз-кўзларидан гайрат-шижоат, интилиш, билимга чанқоқликни кўриб, келажакимиз ишончли қўлларда, деган фикрга келасан киши, — дейди республика тарғибот гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов. — Биз эса фарзандларимиз маънавий эҳти-ёжларини қондириш, уларни она-юртга садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишга камтарона ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз. Била-

сизми, бу ҳаёт тегиримондек гап. Унинг чигиринидан ёшларимиз соғ-омон чиқиб, ўз ўринларини топиб кетишлари учун мана шундай маънавий-маърифий тадбирлар жуда керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган мазкур фестиваль вилоятнинг барча шаҳар ва туманида давом этмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Оилавий корхона муваффақияти

Андижон

Олтинқул туманидаги "Оқтепа зиё маскани" оилавий корхонасида болаларга мўлжалланган мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Чиларга 125 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. — Юртимизда яратилган кулай ишбилармонлик муҳити бизни ана шундай истиқболли лойиҳаларга қўл уриб, фаолиятимизни тобора кенгайтиришга ундапти, — дейди оилавий корхона раҳбари Равшанбек Хамиджонбаев.

Сайдахмад ШУКУРОВ.

Экологик талабларга мос

Навоий

"Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасида "Poirgoriёn quruvlar" шўъба корхонасида сув узаткичларни бир-бирига улайдиган бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу ерда маҳсулотлар одатдагиларидан фарқли равишда, мис ва рух металлари қоришмасидан тайёрланапти. Мутахассислар фикрича, мазкур хом ашё сантехника воситаларининг экологик талабларга тўла жавоб беришини таъминлаш билан бирга, узоқ муддат яроқлилигини ҳам кафолатлайди.

— Келгусида маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ва хорижга экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Мадия Собитова. — Бунинг учун бизда барча имконият мавжуд.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот тури 10 тага етди

Жиззах

Жиззах туманидаги "Sagdiana profnastil" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган кенг кўламли модернизациялаш тадбирларидан сўнг 10 турдаги профнастил ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Диёр Абдуллаев. — Ҳа йили тижорат банкининг 100 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан илғор дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Қолаверса, ўтган даврда маҳсулотларимиз сифатини ошириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишга эришдик. Жорий йилги техник ва технологик янгиланишларга ҳам ўз маблағимиздан ташқари, молия муассасасининг 300 миллион сўмлик сармоясини йўналтирдик. Бу орқали маҳаллий ёшлардан яна 10 нафари доимий даромад манбаига эга бўлди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар

комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар фаол иш олиб бормоқда. Уларнинг сайлов жараёнидаги асосий вазифаси қонунчиликка сўзсиз амал қилишни таъминлаш ва аҳолини фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозими-га номзодлар билан ҳар томонлама таништириш,

лашда фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир, дея ифодаланган. Бу эса фуқароларнинг мазкур сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган тартибда амалга оширилишига имконият яратди.

вакиллари томонидан соҳага доир миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, маҳалла институтини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва маҳаллалар қошидаги жамоатчилик комиссиялари фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда. Чунончи, яқинда Олий Мажлис

Ошкоралик, муқобиллик ва тенглик

фуқаролар йиғинлари сайловининг асосий тамойилларидир

икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда эса сайловни ўтказиш тартиби батафсил ўз ифодасини топган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланганидек, ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида амалга оширилади.

сайловларни ўтказиш ва ташкил этиш бўйича тушунтириш ишларини самарали олиб боришдан иборат. Сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, айтиш ўринлики, унда фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод иштирок этиши назарда тутилди. Бундан ташқари, раисликка номзоднинг келгусида маҳаллани ривожлантириш борасидаги фаолият дастури ҳам муқобиллик асосида кўриб чиқилади.

Ўз навбатида, ушбу тамойилларнинг мазмун-моҳиятини, умуман олганда, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда улар маслаҳатчилари сайлови қонунчилиги, унинг ўзига хос жиҳатларини ва мазкур масъулиятли лавозимларга юксак ишчанлик ҳамда ахлоқий фазилатларга эга, эл-юрт ишончини қозонган, обрўли инсонларни сайлаш муҳимлигини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш айна мудидадир.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида сайловчилар билан ўтказган учрашувлар чоғида фуқаролар йиғинлари сайлови билан боғлиқ жараёнлар нечоғли ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг ҳуқуқлик тамойиллари асосида ташкил этилаётганига гувоҳ бўлди. Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллага раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни танлаш борасидаги ташаббуслари ҳамда сазой-ҳаракатларида яққол аксини топмоқда. Бу эса фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқори даражада ўтишини таъминлашда асосий омиллардан биридир.

Шундан келиб чиқиб, жойларда фуқаролар йиғинлари сайловини юқори савияда ўтказишга қаратилган семинарлар ва турли тадбирлар ташкил этилапти. Уларда сенаторлар, депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, тегишли манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари

Умуман олганда, мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга юртимизнинг барча ҳудудида пухта ҳозирлик қўрилмоқда, сайловни ошкоралик, муқобиллик, тенглик тамойиллари асосида ўтказишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, сайловни юксак даражада ўтказиш ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг сайлашини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Қолаверса, бу сазой-ҳаракатлар фуқаролар йиғинларининг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли исроҳотлар жараёнида фаол қатнашиши ҳамда пировардида эл-юрт тинчлиги, ободлигига ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Отабек АБДУҒАНИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси.

Саноат усулида ишлаб чиқарилаёпти

Китоб туманидаги "Китоб мрамор заводи" масъулияти чекланган жамиятида саноат усулида яримтайёр курилиш материали — микрокальцит ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ИЗЛАНИШ

Ноёб минерал ҳисобланмиш ушбу хом ашё саноатнинг турли тармоқлари, хусусан, қоғоз, пластик буюмлар, линолеум, резина тайёрлашда кенг қўлланилади. Эътиборлиси, жаҳон бозорига қўшимча қийматга эга мазкур турдаги

курилиш материаллини вилоятда илк бор саноат усулида ишлаб чиқаришга киришилди.

— Асосий эътиборни техник ва технологик янгиланишларга қаратаёпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Уткир Жўраев. — Ҳақиқатан ҳам

налар бир кунда ўртача 50 тоннагача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Хусусан, ўтган йили қарийб 100 минг АКШ долларлик микрокальцитни чет эллик буюртмачиларга етказиб бердик. Жорий йилда эса экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида хориждан мрамор плиталар ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатаёпмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор аёллар сафи кенгаймоқда

Президентимиз Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилдагига нисбатан 130 фоизни ташкил этди. Дарҳақиқат, юртимизда ишбилармон хотин-қизларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада улар аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодийётимиз ривожига муносиб улуш ҳам қўшмоқдалар.

ЖАРАЁН

Бу жараёнда бизнинг бўлими-миз жамоаси ҳам фаол қатнашиб, тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб келяпти. Хусусан, кўп йиллардан буён Қорақалпоғистон Республикасида БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда "Микромолиялаштириш лойиҳаси" муваффақиятли рўёбга чиқарилаётир. Пировардида кўплаб хотин-қизлар иш ўрнига эга бўлапти, аҳолининг кам таъминланган қатламга микрокредитлар ажратилмоқда.

ҳамда Тахтақўпир туманларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес-режалари қўллаб-қувватланапти.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги "Даромадларни ошириш" лойиҳаси доирасида КеҒейли, Қораўзақ ҳамда Шуманай туманларидаги кам таъминланган оилалар ва фермерларга кичик бизнесни ривожлантириш борасида молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг "Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари



Хосен ПАЙДОЕВ олинган сурат.

битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бизнес қўйларда оилавий қишлоқ ривожлантириш учун шароитлар яратиш" лойиҳаси бўйича 25 миллион сўмлик давлат грантини қўлга киритганимиз айна мудида бўлди. Гап шундаки, мазкур лойиҳа асосида жорий йилдан бошлаб КеҒейли, Чимбой, Қораўзақ, Тахтақўпир ҳамда Нукус туманларидаги

касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида "Ўз бизнесинг-ни бошла" мавзусида ўқув-семинар ташкил қилиб, янги иш ўринларини яратишга қўмаклашяпти. Бунинг самараси ўлароқ, йил охиригача 20 нафардан зиёд қизлар тадбиркорликка жалб этилади.

Мамлакатимизда тадбиркор аёлларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги хўжалик юритувчи субъектларни ишга тушириш, шу орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаб, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақкамлашга хизмат қилаёпти.

Назира ЕЛИБАЕВА, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг ижрочи директори.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Дўстона ва амалий руҳда ўтган йиғилишида ШХТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида ўтказилган саммитда қабул қилиниши кўзда тутилган ШХТнинг экстремизмга қарши курашиш конвенцияси, ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқатлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир тадбирлар режаси, ШХТга аъзо давлатларнинг наркотикларга қарши курашиш бўйича 2017 — 2022 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури лойиҳаларини имкон қадар тезроқ келишиб олиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига барча давлатларнинг биргаликдаги кураши орқали барҳам бериш мумкинлиги ҳақида яққил фикр билдирилди.

Иштирокчилар 2016 йил 23-24 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишига тайёргарлик ишлари ҳақида Ўзбекистон томонининг ахборотини тинглади. ШХТнинг бўлажак саммити ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва хавфсизлик соҳасида

Иштирокчилар 2016 йил 23-24 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишига тайёргарлик ишлари ҳақида Ўзбекистон томонининг ахборотини тинглади. ШХТнинг бўлажак саммити ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва хавфсизлик соҳасида

Ийгилиш якуни бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши протоколи имзоланди.

Ў.А.

Маҳаллийлаштириш дастури ва изчил ривожланиш

Мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ишлаб чиқариш субъектларига бир қатор энгиликлар берилган. Бу улар фаолиятининг жадал ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Жумладан, мазкур йўналишдаги корхоналар учун четдан келтириладиган технологик ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, республика-мизда мавжуд бўлмаган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни тайёрлашдаги технологик жараёнда фойдаланиладиган компонентларга импорт божи, акциз тўловлари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови, мол-мулк солиғидан озод этилиши каби кўплаб имтиёзлар белгиланган.

лари учун 30 хилдан зиёд арзон, пишиқ ва сифатли эҳтиёт қисмлар тайёрланапти. Плуг, борона, культиватор учун эҳтиёт қисмлар, таянч ҳамда втулкалар, жўяк очши ускуналари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг аксарияти МТПлар орқали фермер хўжаликларига етказиб берилаётир.

Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги "Фидокор Сурхон агромаш" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, Денов туманидаги "The best oil is south oil" масъулияти чекланган жамияти томонидан энгил ва юк автомобилларига мотор мойлари, Бойсун туманидаги "Жийдали Бойсун" хусусий корхонаси томонидан мошиий техника (дазмол) ҳамда Термиз шаҳридаги "Барлс" масъулияти чекланган жамияти томонидан электр жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ушбу дастурга киритилган эди.

Бойсун туманидаги "Жийдали Бойсун" хусусий корхонасида эса пласт-масса идишлар, бобонлар учун турли ўлчамдаги ашиқлар ишлаб чиқарила-япти. Шу билан бирга, мазкур жамоа жорий йилдан бошлаб маиший техникалар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида амалий сазой-ҳаракатлар олиб бормоқда. Айна пайтда Денов туманидаги "The best oil is south oil" масъулияти чекланган жамияти томонидан энгил ва юк автомобилларига мотор мойлари, Бойсун туманидаги "Жийдали Бойсун" хусусий корхонаси томонидан мошиий техника (дазмол) ҳамда Термиз шаҳридаги "Барлс" масъулияти чекланган жамияти томонидан электр жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ушбу дастурга киритилган эди.

Хозирги пайтда "Фидокор Сурхон агромаш" масъулияти чекланган жамиятида 11 турдаги қишлоқ хўжалиги техника-

дастурида белгиланган имтиёзлар биз, тадбиркорларни гайрат-шижоат қўрсатиб меҳнат қилишга ундамоқда, — дейди Термиз шаҳридаги "Барлс" масъулияти чекланган жамияти раиси Шодмон Шоймуродов. — Шу кунларда электр жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линияни келтириш ҳаракатидими. Тез орада унинг ёрдамида янги турдаги маҳсулотларни тайёрлашга киришамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида яратилб берилган бундай имкониятлар вожадаги корхоналар иқтисодийётини юксалтириш, янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Фазлиддин ХОЛМАТОВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳудуднинг комплекс ривожлантириш йўлға бошқармасининг саноатни ривожлантириш ва капитал қурилиш бўлими бошлиғи ўринбосари.

ИСЛОҲОТ

Мутахассислар фикрича, ернинг шўрланишига сизот сувларининг юзага чиқиши, майдонларнинг нотекис ағдарлиши, умуман олданда, агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги каби омиллар сабаб бўлар экан. Бунинг оқибатида йўқотиладиган ҳосилдорлик эса экин турига қараб 10 фоиздан 90 фоизгача етади. Шу боис мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Замин саховати

ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ

жиддий эътибор қаратилаётган. Албатта, соҳа тараққиётида 2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурининг

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки иштирокида "Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" ҳамда Жаҳон банки, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида

расида вилоятда 2010 — 2015 йиллар давомида қиймати 23,16 млрд. сўмлик 583 километр узунликдаги коллектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада Косон, Фузур, Қамаш туманларидаги сугориладиган ерларда сизот сувлари сатхи метёр даражага туширилиб, 18 минг гектарга яқин майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Жорий йилда давом эттирилдиган бу каби тадбирлар доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мавжуд 7 та ҳамда 12 та янги объектда қурилиш-реконструкция ишлари якунланиши кўзда тутилмоқда.

Халқимизда "Сен ерни боқсанг, ер сени боқади", деган пурмаёно ҳикмат бор. Зеро, бугунги кунда энг долзарб бўлиб турган масала, мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бебаҳо бойлигимиз — она-замин унумдорлиги ва сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Абдурусул МАҲМАТУРОВА, «Аму — Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавзо бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада муайян самарадорликка эришилаётган. Яъни воҳадаги мавжуд мелиорация объектларининг тизимли таъмирланиши натижасида фермер хўжалиқларига қарашли 284,56 минг гектар сугориладиган ер соҳага келтирилди. Кучли ҳамда ўртача шўрланган майдонлар 13,59 минг гектар қамайиб, сизот сувлари сатхи 2 метргача пасайтирилди. Буларнинг барчаси пахта ҳосилдорлигини гектарига ўртача 2-3 центнер, галлачиликда эса 3-4 центнер кўпайтириш имконини берди.

Шу ўринда айтиш керакки, ер ости сувларининг кўтарилиши тупроқ шўрланиш даражасини йил сайин кўпайтириб боради. Бу эса аста-секин экинзорларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлади. Вилоятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида соҳага йўналтирилаётган инвестициялар тармоққа замонавий технологиялар ҳамда техникаларни жорий этишга сарфланмоқда. Айниқса, иқтисослаштирилган пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга



Хурсончибек АРАББОВ олдан сўрат.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИ

«2016 йилда Миллий жамият фаолияти тўғрисида энг яхши журналистик материал» кўрик-танловини эълон қилади.

Хурматли ижодкорлар! Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти сизни аънаваний кўрик-танловимизда иштирок этишга таклиф қилади. Бу йилги танлов Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой ҳаракатининг 153 йиллигига бағишланади.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад — ўтган йилда ташкил топганининг 90 йиллиги кенг нишонланган жамоат ташкилотининг фаолияти ҳамда вазифалари ҳақида тўлиқ маълумот беришдан иборат. Шунингдек, танлов «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон ҚЯОЖнинг XXI қурултойида қўйилган вазифаларини ҳамда Миллий жамият устави талабларининг ижроси, ижтимоий йўналишдаги лойиҳаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, самарадорлигини кучайтириш ва сифатини юксалтиришга қаратилган.

Танловга 2016 йил 1 январдан 30 октябрга қадар газета ҳамда журналлар, интернет сайтларида чоп этилган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади. Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан, шунингдек, Ўзбекистон ҚЯОЖ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда «Темир йўл» минтақавий ташкилотлари орқали жорий йилнинг 1 ноябргача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда совриндорларига диплом ва совғалар Ўзбекистон ҚЯОЖ ташкил топган сана — 14 ноябрь куни байрам тадбирида топширилади. Материаллар кўридаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 30-уй. Телефон: (0-371) 150-81-14. Факс: (0-371) 256-18-01. E-mail: secretariat@redcrescent.uz

ЭЪЛОНЛАР

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 29 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— Бойсун тумани СИБ томонидан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган:

* ЖИБ Бойсун тумани судининг 2015 йил 12 майдаги 1-26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 М 536 FA.

Бошланғич баҳоси — 19 737 675 сўм. * ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2015 йил 5 майдаги 1-16-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВА3-21063» русумли, давлат рақами 75 N 935 BA.

Бошланғич баҳоси — 4 592 700 сўм. — Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ майдончасида сақланаётган:

* ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 24 июндаги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-53212» русумли, давлат рақами 40 N 820 EA.

Бошланғич баҳоси — 9 178 517 сўм. * ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 8 январдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 75 F 936 DA.

Бошланғич баҳоси — 1 817 254 сўм. * ЖИБ Сарийосиё тумани судининг 2014 йил 17 июндаги 1-207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21013» русумли, давлат рақами 19 O 68338.

Бошланғич баҳоси — 2 104 506 сўм. — Шеробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 21 майдаги 1-08-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли, давлат рақами 75 Z 847 AA, соҳа ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 566 870 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 29 апрель кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 16 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ҳамда батафсил маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.

Гувоҳнома № 004059.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан кўзга татилган 26800-01/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, жами майдони 58,60 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Г9А» мавзеси, 11-уйдаги 32-хонадон такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Қўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари)

соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal-bank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Анджонда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган мазкур тадбирда турли миллат ҳамда элат вакиллари қатнашди.

ФЕСТИВАЛЬ

Тадбирлар Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Соғлом авлод тарбиясида миллатлараро тотувликнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий семинар билан бошланди. Шунингдек, «Ёш авлод тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни», «Она тарбияси — келажакимиз меваси, болаларимиз бахти» мавзуларида маърузалар тингланди.

барча миллат вакиллари вақтининг тараққиётига қўшаётган ҳиссаси акс этган «Биз сенинг фарзандингиз, Ўзбекистон!» шиори остидаги фото ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ҳам ўтказилди, мавзуга оид фильмлар намойиш қилинди.

Анджон шаҳрида «Дўстлик» уйининг фойдаланишга топширилиши эса вилоятда яшаётган турли миллат вакиллари учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Мухаббат ОТАМИРЗАЕВА.

Маҳорат ва иқтидор кўриги

Наманган шаҳрида «Универсиада — 2016» спорт ўйинларининг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бокс бўйича ҳудудий саралаш босқичи бўлиб ўтди.

УНИВЕРСИАДА — 2016

Унда Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари ёшлари финал йўлланмаси учун куч си-нашдилар. Муросасиз кечган беллашувлар жараёнида йигит-қизлар ёшлик, чаққонлик, иқтидор ва ирода кўриги бўлган Универсиада ўйинларининг жорий йилги мусобақаларига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўраётганликларини намойиш этишди. Жумладан, ўғил болалар ҳамда қизлар ўртасидаги волейбол бахсларида Наманган вилояти жамоаларининг қўли балан келди. Баскетбол бўйича Наманганлик қизлар ва анджонлик йигитлар галаба нашидасини суришган бўлса, гандбол учрашувларида Анджон вилояти қизларига ҳамда Фарғона вилояти ўғил болалар терма жамоасига омад кулиб боқди.

Мусобақаси ҳам мухлис-ларда катта таассурот қолдирди. Унда финал йўлланмаси Фарғоналик ёш футболчиларга насиб этди. Бокс беллашувларида уч вилоятдан 30 нафар спортчи рингга чиқди. Дастлабки йўлланмаларни Наманганлик Шукуржон Раҳимов ва Бургут Ҳожибоев қўлга киритди. — Бокс «Универсиада — 2016»нинг қизикарли ўйинларидан бири бўлади, — дейди Наманганлик чарм қўлқоп устаси, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори Бургут Ҳожибоев. — Энг юқори натижага эришиш — асосий мақсадимиздир. Бунинг учун жиддий тайёргарлик кўраямиз. Шу кунги Фарғонадан олти, Анджон вилоятидан икки нафар боксчи талаба ҳам финал йўлланмасига эга бўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Миллионлар ўйини»

Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ҳамда қасаба уюшма кўмитаси илмий тақдирот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, профессор Норбой Қаримовга отаси Ғани КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА. Дунёдаги митти давлатлардан бири — Науру Республикаси Халқаро валюта жамғармасининг 189-аъзоси сифатида қабул қилинди.

Жамғарма аъзолигига қабул қилинди

Унинг мазкур ташкилотдаги дастлабки квотаси 2,8 миллион АҚШ доллари миқдорига белгиланди. ХВЖ раҳбари Кристин Лагард Науру ҳақида фикр юритар экан, ушбу мамлакат кичик орол давлатлар иқтисодиётларида хос муаммолар, жумладан, географик жиҳатдан узоқ жойлашув ва иқлим ўзгариши оқибатлари билан дуч келаётганини, ХВЖ доирасида глобал иқтисодий тизимда тўлақонли иштирок этиш эса унга ҳар жиҳатдан фойда келтиришини таъкидлади. Науру Республикаси Тинч океани ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг майдони 21,3 квадрат километрга тенг. Бу ерда қарийб 11 минг аҳоли истиқомат қилади. Мазкур давлат 1999 йилда БМТ таркибига киритилган.

Робот мактабда ўқийди

Япониянинг Васэда шаҳридаги умумтаълим мактабларидан бирига «Perper» исмли робот ўқувчи сифатида қабул қилинди.



Шу муносабат билан ташкил этилган таништурув маросимида таълим муассасаси ёшлари киберкурилмани ўзгача қувонч ила кўтиб олишди. Тадбирда роботга ҳам сўз берилди.

У одамлар билан бир мактабда ўқишни ҳаёлига ҳам келтирмаганини, берилган ушбу имкониятдан фойдаланиб, дарсларни пухта ўзлаштириш учун бор салоҳиятини ишга солишини билдирди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, «Perper» 2014 йилда «Softbank» компанияси томонидан яратилган. У япон ва инглиз тилларида мулоқот қила олади.

Кучли бешликка кирмоқчи

АҚШдаги «Alaska Air» авиаташувчиси океанортининг ғарбий қисмидаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида «Virgin America» авиакомпаниясини сотиб олаётганини тасдиқлади.



Шартнома қиймати 2,6 миллиард доллар этиб белгиланган. Харидор сотувчига тегишли хар битта акция учун унинг бозор нарҳига нисбатан 47 фоиз кўпроқ — 57 доллардан тўлайди. Шу асосда ву-жудга келган янги оператор эса мамлакатдаги энг йирик бешинчи компанияга айланади.

Ақлни ишлатиб, омон қолди

АҚШнинг Аризона штатидаги ўрмонда йўқолиб қолган 72 ёшли Энн Шарон Рожерс исмли аёл тўққиз кундан сўнг топилди.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, у шу йилнинг 31 март куни набираларини кўриб келиш учун йўлга тушди. Бу орада автомобильнинг аккумулятори қуввати тугаб, пёбда юришга тўғри келди. Боз устига, етовидида итани ҳам йўқотиб қўяди. Мазкур ҳудудда мобил телефон ишламаслиги ахвол-ни мураккаблаштиради. Рожерс йўл-йўлакай кўрина-диган жойларга «Help» («ёрдам беринг») деган сўзни ёзиб қолдираверди. Орадан олти кун ўтган, маҳаллий ҳиндулардан бири аёлниги итани топиб олади ва бу ҳақда полицияга хабар беради. Ялпи қидирув бошланган, вертолётдаги мутахассислар у битган ёзувини аниқлашди. Шу туртки бўлиб, кекса аёл соғаломат топилди.

Тезликни ошириш оқибати

Покистоннинг Панжоб провинциясидаги Файсалобод шаҳрида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди.

Эллика яқин кишини олиб кетаётган автобус юк ташиш машинаси билан тўқнашиб кетган. Оқибатда 19 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Қолган йўловчилар турли даражада жароҳатланган ва шифохонага ётқизилган. Улардан айримларининг ахволи жуда оғирлиги айтилмоқда. Полиция вакиллари-нинг билдиришича, автобус ҳаёдовчиси тез-ликни ҳаддан зиёд оши-риб, олдинда бораётган автоуловни қувиб ўтмоқ-чи бўлган. Бироқ кара-ма-қарши тарафдан келаётган юк машинаси-ни кўрмай қолган.

XXI асрга хос велосипед

Хитойда замонавий велосипедларнинг навбатдаги модели — «Leopard» яратилди. У жуда ихчам бўлиб, махсус датчиклар билан таъминланган ҳамда оғирлиги, бор-йўғи, 7,9 килограммга тенг.



Мазкур транспорт воситаси вақт, масофа, тезлик ва педаль айла-ниш частотасини назорат қилади. Ҳаётда, GPS қурилмаси асосида манзил, баландиқ, об-ҳаво ҳамда юрак уриши меъёрини ҳам аниқлаб беради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Истиқлол йилларида шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган бекиёс ислохотлар, рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар, энг аввало, инсон, унинг манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, юртимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳам ўз фаолиятини ана шу устувор мезон асосида давом эттириб, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз ободлиги ҳамда равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бунда мазкур муассасанинг жойлардаги 44 та филиали, 40 га яқин минибанки ва 48 та жамғарма кассаси фаол иштирок этаётир. Шу боис улардан миқозлар қада-ми узилмайди. Қолаверса, тўловларни қабул қилишга мўлжалланган 143 та ҳамда халқаро пул ўтказмалари операцияларини бажаришга ихтисослаштирилган 87 та шохобчаси ҳам аҳоли билан гавжум. Бошқача айтганда, банк жамоаси бир миллион нафардан ортиқ миқознинг яқин ҳамкорига айланган. Бундан ташқари, ҳар куни муассасага турли масалалар юзасидан мурожаат қилаётган минглаб юртдошлари-миз уларнинг хизматидан мамнун бўлмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, "Ўзсаноатқурилишбанк"-нинг умумий капитали 892 миллиард сўмга етказилди. Мавжуд ресурс базаси эса 9 триллион сўмдан ошди.

Табиийки, эришилаётган бундай муваффақиятлар тақдим этилаётган хизматлар юз турдан ортиб, сифати тобора яхшиланиб бораётгани, ходимлар билим ва тажрибаси, энг асосийси, миқозларга муносабати юксалаётгани билан боғлиқ. Бу нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам кенг эътироф этилаётти. Пировардида қатор йиллардан буён жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари унинг самарали фаолиятини юқори баҳолаб келмоқда. Буни банк миқозларининг қўйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам яққол тасдиқлайди.

айни кунда 7 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ва 208 мингдан ортиқ жисмоний шахслар фойдаланиш-яптапти.

Кўриниб турибдики, банк кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишон-чини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш учун ишончли ре-сурс базасини кенгайтири-моқда, пул оқимларини банк айланмасига кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаётир.

Барчаси — миқоз учун!

Ўн икки йилдан буён "Ўзса-ноатқурилишбанк" миқозим-ан. Шу боис ушбу молия му-ассасаси томонидан аҳолига замонавий хизматларнинг жо-зибадор турлари тақдим эти-лаётганини бевосита кузатиб бораётган. Банка мурожаат қилган ҳар бир инсоннинг хо-ҳиш-истагини тўла қондириш жамоанинг устувор вазифаси ҳисобланади. Зеро, ишонч ка-фолатландими, миқозлар сафи кенгайверади. Айтмоқ-чиманки, "Ўзсаноатқурилиш-банк" юртдошларимизга янги-янги хизмат турларини тақдим эта-р экан, энг аввало, "Ми-қоз манфаати — ҳамма нар-садан устун", деган тамойил-га асосланади.

Яна бир гап. Агар ҳар бир фуқаро банка қўйган мабла-ғининг кафолатли сақланиши, ўз вақтида қайтарилиши ҳамда уларга тўланадиган фойзаларнинг барқарорлиги, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ барча маълумот сир сақланишидан кўнгли не-чоғли тўқ бўлса, бўш пулла-рини банкда сақлашга, эва-зига қўшимча даромад олиш-га қизиқиши шу даражада кучайиши турган гап. "Ўзса-ноатқурилишбанк" самарали фаолияти билан биз, миқоз-ларда худди шундай юксак ишонч уйғота олди, десак, янглишмаган бўламиз.

Мазкур молия муассаси-нинг яна бир афзаллиги, ўзаро ҳисоб-китоб қилишининг энг осон ва қулай усулларини ҳаётга таъбиқ этиётганидир. Коммунал ҳамда бошқа тур-даги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ва шахсий ҳисоб рақамини ин-тернет орқали доимий равиш-да кузатиб бориш имконини берувчи қатор дастурлар ми-қозларга бекиёс қулайликлар яратаётир. Мисол учун, "Ўй-банкинг" хизмат турини олай-ки. Ушбу тизим ёрдамида шахсий пластик карточкани бошқариш ҳамда ҳисобвара-ғидаги қолдиқ маблағдан ком-мунал, мобил алоқа каби хизматлар учун тўловларни масофадан туриб бемалол амалга оширишингиз мумкин.

Отаназар РИЗАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси

Бизнинг шарҳ

Айни пайтда мамлақати-мизнинг деярли барча ҳудудда банк филиаллари фаолият кўрсатаётти. Хо-димлар эса ўз муассасаси-га таширф буюрган, муро-жаат қилган ҳар бир киши-ни хушмуомалалик билан кутиб олиб, тезкор равиш-да юқори савиядаги банк хизмати кўрсатишга инти-лоқдалар. Қолаверса, бар-ча филиалда "Ишонч теле-фонлари" ишлаб турибди. Улар орқали миқозлар ҳар қандай эътироз, илтимос ва тақлифларини билдириш-лари мумкин. Мавжуд му-аммолар ўз вақтида ечи-либ, миқоз фойдасига ҳал этилади.

Республикаимизнинг энг йирик ҳамда нуфузли молия муассасаларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" кел-ғусида ҳам миқозлар ишон-чини оқлаб, тақдим қиладиган махсулот ва хизматларини янада такомиллаштириб бора-веради. Зотан, инсон, унинг манфаати ҳамда аҳоли фаро-вонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш мазкур банкнинг доимий диққат-эътиборидаги масаладир.

"Ўзсаноатқурилишбанк" материаллари асосида Ф. САНАЕВ тайёрлади.

«Электрон ҳамён»

Бир пайтлар оддий карточ-кага бутун бир жамғарма жой-лаштирилиб, у орқали нафа-қат мамлакат, балки Ер юзи-нинг исталган нуқтасида маб-лағга эга бўласиз, дейили, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса «электрон ҳамён»лар ор-қали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кундалик турмушимиз-нинг ажралмас қисмига ай-ланган. «Пластик карточка», «терминал» ёки «банкомат» атамалари ҳам ҳеч биримиз учун янгилик бўлмай қолди. Чунки мустақиллик ҳаётимиз-нинг барча жабҳасига ўзга-ришлар олиб кирди. Қай бир соҳага назар ташламайлик, ташаббускорлик, изланиш, яратиш ҳамда бунёдкорлик жараёни кўзга ташланади. Одамлар дунёқараши, тафак-қури ҳам ана шуларга ҳамо-ҳанг тарзда юксалиб бораёт-

Ўзбекистон банк тизими:

ЮРТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — УСТУВОР МЕЗОН

мазкур маблағларни сарф-лашлари мумкин. Мухими, "Ўзсаноатқурилишбанк" пла-стик карточкаларида ўтказил-ган суммаларни алоҳида тўлдириб бориш талаб этил-майди.

Маҳкамберди ҒУЛОМОВ, Шайхонтоҳур тумани

Бизнинг шарҳ

"Ўзсаноатқурилишбанк" 2000 йилдан буён ўз пла-стик карточкаларини муома-лага чиқариш ҳамда ми-қозларга хизмат кўрса-тишни амалга ошир-моқда. Бу борада, та-биийки, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбир-лари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётти.

Биргина шу йилнинг 1 апрелигача банк пластик карточкаларидан 736 мил-лиард сўмлик тўловлар ба-жарилди. Уларнинг 97 фо-зи савдо нуқталаридаги терминаллар орқали ўтқа-зилди. Бинобарин, "Ўзса-ноатқурилишбанк" халқаро пластик карточкалари ушбу муассаса томонидан савдо ҳамда пуллик хизмат кўрса-тиш шохобчаларига ўрна-тилган терминаллар орқали "on-line" режимда тўлов-ларни амалга оширади. Айни пайтда банкнинг бун-дай "электрон ҳамён"лари сони 1 миллион дондан зиёд бўлиб, жорий йил да-вомида яна 2400 дон тер-минал ва 100 та инфокиоск аҳоли гавжум жойлардаги савдо нуқталарига ўрнати-лиши белгиланган.

Интерактив хизмат қулайлиги

Йигирма йилдирки, жамоа-миз "Ўзсаноатқурилишбанк"-нинг Муборак тумани фили-али билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мазкур муас-саса ўз хизмат турларини йилдан-йилга кўпайтириб бо-раётгани биз каби миқозлар ишончи тобора мустаҳкамла-нишига сабаб бўлмоқда. Кўп кузатганман: у аҳолига тезкор, аниқ ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобатлаша олишини исботлаётти. Маса-лан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозоридан

фақат мамлакатимиз, балки халқаро банклар орасида ҳам етакчи ўринлардан бирида ту-ради. Бундан ташқари, банк филиаллари, минибанклари ва жамғарма кассаларида энг сўнгги технологиялар жорий этилаётти. Чунончи, миқоз-ларга масофадан кўрсатила-диган жуда кўплаб хизмат тур-лари — "Банк-миқоз", "Интер-нет-банкинг", "SMS-банкинг", "Ўй-банкинг", "SMS-тўлов", "Шахсий кабинет" каби қатор дастурлар ҳаётга таъбиқ қилинмоқда.

Жумладан, ўзим ҳам Мубо-рак газни қайта ишлаш заво-ди бош ҳисобчиси сифатида

фаолиятимда "Ўзсаноатқури-лишбанк"нинг "SMS-банкинг" хизмат туридан кенг фойда-ланаман. Чунки у қатор қулай-лик ҳамда афзалликларни яратиб беради. Айттайлик, бу интерактив хизмат туридан фойдаланган ҳар бир киши масофадан туриб ўз ташки-лоти маблағларининг ҳарақа-тини, ҳисоб рақамидagi жо-рий қолдиқ, сўнгги кириш ва чиқим операцияларини кун мобайнида мобил телефони-га жўнатиладиган "SMS" ха-барлар орқали кузатиш имко-ниятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, банк миқозла-рига маблағлари ишончли

қўлларда эканлигини англа-тувчи муҳим омиллардан биридир.

Рухиддин ХОЛИҚОВ, Муборак тумани

Бизнинг шарҳ

Ҳозирги кунда банк ўз миқозларига бир вақтнинг ўзида "Interexpress", "Blizko", "Western Union", "UNiStrem" ҳамда "Золотая корона" каби ўнлаб халқ-аро пул ўтказмаларини тақ-дим этимоқда. Пировардида "SMS-банкинг" ҳаётдаги турли

минтақаларни қамраб оли-ши учун имконият туғили-ши борабариди, фойдала-нувчиларга ҳам қўшимча қулайликлар яратилаётти. Шу билан бирга, пул ўтказ-маларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавф-сизлиги ва юқори бўлма-ган хизмат ҳақи мазкур ти-зимга эҳтиёж борлигини исботлади. Банк филиалла-рида бажарилаётган халқ-аро пул ўтказмалари аҳоли эътиборини қозонди. Хусу-сан, "Банк — миқоз", "Шах-сий кабинет" ҳамда "SMS-банкинг" дастурларидан

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимининг филиалларидаги «Ишонч телефонлари» тўғрисида МАЪЛУМОТ

Table with 4 columns: № Минтақавий филиал номи, Телефон рақами, № Минтақавий филиал номи, Телефон рақами. Lists 44 branches across various regions like Qoraqalpog'iston, Toshkent, and others.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан сақланган.

Манзилими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси